МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

ЯКШАНБА

2016 йил 6 март

№24 (1201)

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

O'ZBEKISTON XAYRIYA JAMOAT FONDI MAHALLA

# Mahalla

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Она табиат чирой очиб, атроф-муҳит яшил либосга бурканиб, баҳор нашидаси тобора кучайиб бораётган айни шу фусункор айёмда сиз, азизларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан табриклашни ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман.

Мана шу байрам кунларида биз — юртимизнинг кексаю ёш барча-барча эркак зоти, мард ўғлонлари ҳақиқатан ҳам Яратганнинг мўъжизаси бўлмиш аёл сиймоси олдида, авваламбор, меҳрибон оналаримиз олдида бош эгиб, таъзим бажо келтирамиз.

Мунис опа-сингилларимиз, вафодор умр йўлдошларимиз, дунёдаги энг чиройли, латофатли қизларимизни табриклаб, уларнинг шаънига самимий ва эзгу тилакларимизни, чуқур ҳурматимизни изҳор этамиз, жажжи қизалоқ набираларимизни бағримизга босиб, чин юракдан қутлаймиз.

Шу кунларда ҳаммамизнинг тилимизда, дилимизда бўлган бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтишни зарур деб биламан.

Бу дунёда ширин ва аҳил, бахтли ҳаёт учун пойдевор яратиб, инсонни инсон, оилани мустаҳкам оила қиладиган, биз учун севги-муҳаббат, вафо ва садоқат тимсоли бўлиб келаётган сиз, гўзал ва бетакрор, қадрдон аёлларимиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, ўзининг беқиёс меҳри ва фидойилиги, сабр-қаноати ва чидамлилиги билан хонадонларимизда, бутун жамиятимизда тинчлик-хотиржамлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини сақлаб, ҳаётимизга файзу тароват бағишлайдиган, тунлари бедор бўлиб, болаларимизни баркамол инсонлар, Ватанимизнинг мард ва жасур ҳимоячилари этиб вояга етказадиган ким?

Меҳрибон ва оқила аёлларимиз эмасми?

Умр йўлларимизда қандай оғир синов ва машаққатлар дуч келмасин, уларни енгиб ўтишда руҳимизни кўтариб, кучимизга — куч, ғайратимизга — ғайрат қўшадиган инсонлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, дунёдаги энг мўътабар зотлар, қалби дарё аёлларимиздир.

Шу маънода, Алишер Навоий бобомизнинг «Аёллар — фаришталарнинг опа-сингилларидир» деган ҳикматли сўзларида қандай чуқур маъно борлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Биз ўз олдимизга қўйган олий мақсадимизга эришиш йўлида, яъни жаҳондаги энг тараққий топган, демократик ва эркин давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришда, мухтасар қилиб айтганда, бугун Ўзбекистонимиз қўлга киритаётган улкан марраларда — бу қайси соҳа, қайси касб-ҳунар бўлмасин, уларнинг барчасида аёлларимизнинг муносиб, буюк ҳиссаси борлигини миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Бу ҳақда гапирганда, хотин-қизларимизнинг нафақат кундалик турмушда, балки давлат миқёсидаги энг муҳим масалаларни ҳал қилишда ўрни ва роли тобора ортиб бораётганини алоҳида қайд этишни зарур деб биламан.

Бугунги кунда юзлаб депутат аёлларимиз Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларда халқ вакиллари бўлиб фаолият кўрсатаётгани, давлат ва жамият бошқарувида, сиёсий ва ижтимоий ҳаётимизда, фуқаролик институтлари ва нодавлат тузилмаларда қанчадан-қанча опа-сингилларимиз эл-юрт манфаати учун жонбозлик билан хизмат қилаётганини ҳурмат билан эътироф этамиз.

Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия, маданият ва илм-фан соҳаларида меҳнат қилаётган ходимларнинг 73 фоизини, соғлиқни сақлаш тизимида 75 фоизини, ишлаб чиқариш тармоқларида 42 фоизини, қишлоқ хўжалигида 43 фоизини айнан аёллар ташкил этаётгани уларнинг ҳақиқатан ҳам бирор-бир соҳада ҳеч кимдан қолишмаслигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан зиёдини, фермер хўжаликларининг 4 минг 550 дан ортиғини хотин-қизлар самарали бошқариб, барчага ўрнак ва намуна бўлиб келмоқда.

Мен жойларда бўлиб, мана шундай ўзининг қадр-қимматини, ҳаётнинг пасту баландини яхши биладиган, келажакка катта ишонч билан қараб, сидқидилдан меҳнат қилаётган опа-сингилларимиз билан учрашиб, суҳбат қурганда, очиғини айтишим керак, ўзим учун катта таассурот, маънавий-руҳий қувват оламан.

Жамиятимиз тараққиётини бугунги юксак босқичга кўтаришда дунёда ўхшаши кам бўлган ноёб тузилма — маҳалла фаолларининг, хусусан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаётган, кўпни кўрган, жонкуяр опа-сингилларимизнинг беқиёс ҳиссаси борлиги барчамизни албатта қувонтиради. Элу юртимиз ўртасида соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, хонадонларда турли гинаю аразларнинг олдини олиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзини аямасдан меҳнат қилаётган ана шундай минг-минглаб аёлларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Азиз опа-сингиллар!

Биз Ватанимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш каби муҳим вазифаларни давлат сиёсати даражасига кўтарганимиз ва бу соҳада амалга ошираётган ишларимиз бугунги кунда жаҳон миқёсида ҳавас билан тан олинмоқда.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина 2015 йилнинг ўзида тадбиркор аёллар учун ажратилган кредитлар 1 триллион 255 миллиард сўмни ёки 2014 йилга нисбатан 130 фоизни ташкил этганини айтиш кифоя, деб ўйлайман.

Ҳеч шубҳасиз, бундай кўмак ва ёрдам хотин-қизларнинг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги муносиб иштирокини таъминлашда муҳим амалий қадам бўлмоқда.

Ўтган йили касб-ҳунар коллежларини битирган 230 мингдан кўпроқ қиз болалар ишга жойлаштирилгани, тадбиркорлик соҳасида ўз ишини бошлаётган 6 мингдан ортиқ ёш қизларга 51 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилгани ҳам опа-сингилларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш борасидаги салмоқли ишларимиз қаторига киради.

Шу билан бирга, кейинги икки йилда 2 минг 80 та хонадонга мўлжалланган 57 та кўп қаватли «Камолот» уйлари барпо этилиб, ёш оилаларга берилгани, минглаб ёшларимиз учун имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилгани ва бундай тадбирлар изчил давом эттирилаётганини қайд этиш ўринлидир.

Шулар ҳақида сўз юритар эканмиз, 2015 йилда 1 минг 668 нафар спортчимиз, жумладан, 567 нафар қизимиз халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 983 та медалга эришгани, иқтидорли фарзандларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 та совринли ўринни, жумладан, 76 та гран-прини қўлга киритганини юртимизда соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ишларимизнинг амалий натижаси сифатида қабул қиламиз.

Айни вақтда хотин-қизларимиз учун янада қулай шароитлар яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ўз билим ва профессионал малакасини амалда намоён этиши учун кенг йўл очиб бериш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Айниқса, жондан азиз фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар қилиб камол топтириш, аввало, қиз боланинг тақдири ҳақида ғамхўрлик қилиш, уни бамисоли жамиятимизнинг гулидек тарбиялаб, вояга етказиш, бўлажак оиланинг бахтли бекаси сифатида кўриш вазифаси, яна ва яна бир бор айтаман, барчамизнинг энг олий мақсадимиз бўлиши даркор.

Нега деганда, бунинг негизида халқимиз, миллатимизнинг ҳаёти, келажаги билан боғлиқ оддий ва шу билан бирга, ўта масъулиятли ҳақиқат мужассам бўлиб, уни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим. Яъни, қизларимиз тимсолида биз авваламбор бўлғуси оналарни, ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом авлодни ўзимизга тасаввур қиламиз, наслимиз давомчиларини кўрамиз. Ҳеч шубҳасиз, қиз бола соғлом, билимли, замонавий касб-ҳунар эгаси бўлса, у қурадиган оила ҳам, бу оиланинг меваси бўлмиш бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади. **Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.**

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, мамлакатимизда 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши аввало ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилади. Ушбу дастур доирасида жами 7 триллион 483 миллиард 300 миллион сўм ва 194 миллион 400 минг доллар ҳажмидаги ишларни амалга ошириш белгиланганининг ўзи, ўйлайманки, унинг миқёси ва кўлами қандай улкан эканидан далолат беради.

Дастурда белгиланган, кундалик ҳаётимизда энг муҳим эътибор қаратиш зарур бўлган йўналишлар ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, тиббиёт масканлари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, акушер-гинекологлар, болалар шифокорларининг малакасини юксалтириш, она ва боланинг соғлиғидан мунтазам хабар олиб, уларга тегишли ёрдам кўрсатадиган патронаж ҳамширалар сонини кўпайтириш каби ўта долзарб масалалар бундан буён ҳам диққатимиз марказида бўлади.

Юртимизда ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва аҳилликни янада мустаҳкамлаш, ёшларимизнинг онги ва қалбини бизга мутлақо ёт бўлган зарарли оқим ва таъсирлардан, «оммавий маданият» хуружларидан сақлаш, оилаларда, маҳаллаларда олиб бораётган тарбиявий ишларимизни янги босқичга кўтаришни бугун тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда.

Ана шундай ўткир масалаларни ечишда мен сиз, муҳтарама аёлларимизга, сизларнинг ақл-заковатингиз, олижаноб фазилатларингизга таянишимни, сизларни ўзимнинг энг яқин маслаҳатчиларим ва сафдошларим, деб билишимни фурсатдан фойдаланиб бугун яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман.

Азиз ва қадрли опа-сингилларим!

Бамисоли баҳор элчиси бўлиб келаётган, ўзингиздек гўзал ва дилбар мана шу қутлуғ айёмда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Умрингиз узоқ, иқболингиз зиёда бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошсин!

Доимо оилангиз ва фарзандларингиз, элу юртимиз ардоғида бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ



*(ЎзА) олган суратлар.*

# Соғлом она — баркамол авлод

***«Туркистон» саройида 5 март куни Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди***

**Баҳорнинг илк кунларида хотин-қизлар байрамининг нишонланишида ажиб рамзий маъно бор. Баҳор аёлларимизга, аёлларимиз баҳорга ўхшайди — бири биридан гўзал.**

Мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонида Бахтиёр она ҳайкали барпо этилгани юртимизда оналарга, аёл зотига юксак эҳтиром кўрсатиш, хотин-қизларни эъзозлаш, соғлом авлодни вояга етказиш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан эканининг рамзий ифодасидир.

5 март куни Бош майдонимиз ҳар қачонгидан жозибали, файзли тус олди. Гўзал айём муносабати билан бир гуруҳ опа-сингилларимиз — хотин-қизлар ташкилотлари вакиллари, иқтисодиёт, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали меҳнат қилиб келаётган аёллар Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Байрам иштирокчилари пойтахтимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Республика ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш марказида бўлди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида «Садоқат» спектаклини томоша қилди.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ

**Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари ваколатлари муддати шу йил май-июнь ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддаси ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайловни ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йил 9764 нафар фуқаролар йиғини раисини ва уларнинг 99 минг нафардан ортиқ маслаҳатчисини сайлаш режалаштирилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 5 мартда бўлиб ўтган мажлисида фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мустақиллик йилларида маҳалла институтининг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ишончли таянчи ва таъсирчан кучи бўлиб хизмат қилишига зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди. Натижада ушбу ноёб тузилма жамиятимиз ҳаётининг энг самарали, айни пайтда миллий кўриниши сифатида юртимизда амалга оширилаётган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилнинг амалий ифодасига, кенг халқ оммасини давлат, ҳокимият идоралари билан боғлаб турувчи мустаҳкам кўприкка айланди.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, ўтган давр мобайнида ўтказиб келинган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда талабчанликни кучайтириш мактабига айланди.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ҚАРОРИ

# Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг ваколат муддати 2016 йил май-июнда тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш муддати 2016 йилнинг май-июнь ойлари этиб белгилансин.

2. Бўлажак сайловда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 99 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2016 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

2016 йилда бўлажак фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови юқоридаги қонунлар нормаларининг талабларига мувофиқ, жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда бўлиб ўтади.

Муҳокама жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг аъзолари томонидан таъкидлаб ўтилганидек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги энг муҳим талаблар ҳамда мақсадли вазифалар фуқаролар йиғинларининг органларини шакллантиришда кенг иштирок этиш борасидаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўла-тўкис рўёбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни таъминлашдан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари сайлови жараёнининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз ва оғишмай риоя этилишидан, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар билан, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан фуқароларни таништиришдан иборат. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг ғоят муҳим омили бўлган ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида тайёрлаш ва ўтказишнинг боришини кенг ёритиш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишини олиб бориш, шунингдек, сайлов жараёнига ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш талаб қилинади.

Масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича олдинги сайловларнинг тажрибасини ва қонунчилик ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилиб, унда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддати қилиб 2016 йил май-июнь ойларини белгилади, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режасини, сайлов бюллетенлари намуналарини тасдиқлади.

Шунингдек, Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тузилди ва унинг таркиби тасдиқланди. Комиссия таркибига парламент иккала палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, бошқа вазирлик ва идораларнинг вакиллари киритилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

# Соғлом она — баркамол авлод

### *«Туркистон» саройида 5 март куни Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди*

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу куни «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлди. Унда турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар, табаррук онахонлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самаралари ҳақида сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, оила, жамият ва мамлакат ҳаётидаги ўрнини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизи, Сенат аъзоларининг 17 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Бугун 14 аёл Ватанимизнинг энг юксак мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирлангани хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин намунасидир.

Ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади, деб таъкидлайди Президентимиз. Шу жиҳатдан Ўзбекистон энг маданиятли, юксак маънавиятли мамлакатлардан десак арзийди. Онани эъзозлаш — халқимизда олий қадрият. Ватанни она, онани муқаддас ташимиз шундан.



Ана шундай юксак муносабат туфайли мамлакатимиз хотин-қизлари ўз орзу-интилишларини рўёбга чиқармоқда, барча соҳаларда муваффақиятларга эришмоқда. Аёллар тадбиркорлиги изчил ривожланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес учун яратилган қулай шароитлар, хотин-қизларни иш билан таъминлашда, уларнинг жамиятдаги фаоллигини, оилалар фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар оилаларнинг ҳаёт сифатини оширмоқда, хотин-қизларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилмоқда. Ёш оилаларга топширилаётган «Камолот» уйлари уларнинг оёққа туриб олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва фарзандларини баркамол этиб тарбиялаши учун рағбат, катта мадад бўлмоқда.

Бундай шароит ва имкониятлар туфайли меҳрибон онажонларимиз, азиз опа-сингилларимиз фароғатли ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг саломатлиги мустаҳкамланиб, умри узаймоқда.

Хотин-қизларимиз ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга муносиб. Негаки улар соғлом авлодни дунёга келтиради, баркамол этиб вояга етказади. Мамлакатимиз эртаси, келажаги кўп жиҳатдан аёллар маънавияти ва саломатлигига боғлиқ.

Президентимиз ташаббуси билан 2016 йилга Соғлом она ва бола йили деб ном берилишида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури ижроси доирасида хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, қизларни касб-ҳунарга ўқитиш ва спортга кенг жалб этиш кўлами янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов, Ангрен шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раъно Ҳайитқулова хотин-қизларни байрам билан табриклади.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 14 нафар қизга ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари — Яккабоғ озиқ-овқат саноати ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Моҳидил Низомова, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Зулхаё Раимқулова ва бошқалар хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш, ёшларнинг истеъдодини юзага чиқаришга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этди.

— Президентимиз табригида хотин-қизларга билдирилган ҳурмат-эътибордан ғоят таъсирландик, кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — деди Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги «Нурли обод» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси Лола Муродова. — Фермер хўжаликларини самарали бошқариб келаётган хотин-қизлар ҳақида сўз юритилганда мен ҳам шулар қаторида борлигимдан фахрландим. Кўп тармоқли фермер хўжалигимиз барча йўналишларда юқори маҳсулдорликка эришмоқда. Мамлакатимизда аёлларга берилаётган имкониятлар бизни янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундамоқда.

Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида улар ўртасида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қизлар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили ўқувчи қизларга спорт либослари совға қилинмоқда. Бунинг самарасида оилавий спорт, аёллар спорти тобора оммалашиб бормоқда. Спортсевар хотин-қизлар учун 39 спорт тури бўйича 35 минг секция ташкил қилинган. Уларда 3,5 миллиондан зиёд хотин-қиз жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмоқда.

Спортчи қизларимиз халқаро мусобақаларда, мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчи-қизлари халқаро кўрик-танловларда юксак мукофотларни қўлга киритмоқда.

— Мен мамлакатимизнинг бахтиёр қизларидан бириман, — дейди Тошкент давлат стоматология институти 3-курс талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Шоҳида Зоҳидова. — Президентимиз томонидан хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли улкан натижаларга эришяпман. Синхрон сузиш бўйича 17 карра Ўзбекистон чемпиони, халқаро мусобақалар ғолиби бўлдим.

Сарой фойесида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Бадиий академия, «Ҳунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида тасвирий санъат ва миллий ҳунармандлик йўналишларида истеъдодини намоён этаётган хотин-қизлар ижодига бағишланган кўргазма ташкил этилди.

Тадбир санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Гўзал САТТОРОВА, ЎзА мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг

## ҚАРОРИ

### Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови бўйича сайлов бюллетени намунаси 3-иловага мувофиқ;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) маслаҳатчиларининг сайлови бўйича сайлов бюллетени намунаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2016 йилнинг 20 мартигача бўлган муддатда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш, зарурат бўлганда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни ташкил этишда фаол иштирок этиш;

оммавий ахборот воситаларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари томонидан ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги ахборотни умумлаштирсин ҳамда 2016 йил 20 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгашига сайлов якунлари тўғрисида ахборот берсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.ЙЎЛДОШЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2016 йил 5 март*

## Миеко ЯБУТА:

# Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш – Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг доимий ва устувор йўналишидир

***Мамлакатимизда БМТнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, Тараққиёт дастури, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармаси, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури каби тузилмалари ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар билан ҳамкорликда 440 дан зиёд лойиҳа амалга оширилган. Бугунги кунда 70 дан ортиқ лойиҳа ҳаётга татбиқ этилаётир. Хусусан, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси — ЮНФПА 1993 йилдан буён мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юқумли касалликлар олдини олишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.***

***8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ЎзА мухбири* БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Миеко ЯБУТА *билан суҳбатлашди.***

***— Ябута хоним, Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.***

— Ўзбекистонда иш фаолиятимни яқинда бошлаганимга қарамай, гўзал юртингиз мени ўзига буткул мафтун этди. Қадимдан турли маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган Ўзбекистон бой тарихга эга. Пойтахтингиздан ташқари қадимий Самарқанд, Бухоро ва Термиз шаҳарларида бўлдим. Ўзбекистон ва менинг ватаним Япония кўплаб ўхшаш жиҳатларга эга, деб ҳисоблайман. Масалан, камтарлик ва меҳнатсеварлик халқларимизга хос олижаноб фазилатлардир. Шу сабабли мен Ўзбекистонда ўзимни ўз уйимдагидек ҳис этмоқдаман ва юртингизнинг бошқа шаҳарларида бўлиш, самимий одамлар билан учрашишни интиқлик билан кутмоқдаман.

***— 2016 йил Ўзбекистонда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр билдирсангиз.***

— Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мамлакатингиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналиши бўлиб келмоқда. Ўтган даврда ушбу соҳада қатор давлат дастурлари амалга оширилди. Улардан бири — Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастуридир. 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилингани ушбу муҳим Давлат дастурини рўёбга чиқаришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Саломатлик одамлар бахт-саодатининг асосий шартларидан биридир, шу боис ЮНФПА номидан Ўзбекистон Республикаси Президентига оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш йўлидаги доимий ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдираман.

1993 йилдан буён ЮНФПА мамлакатингизга репродуктив саломатликка доир хизматлар кўрсатиш соҳасида кўмаклашиб келмоқда.

***— Ўзбекистон билан ЮНФПА ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ва келгуси режалар тўғрисида сўзлаб берсангиз.***

— Ўтган йили тўрт йўналишни қамраб олган Мамлакатга доир учинчи беш йиллик дастури якунланди. Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш ва бу соҳадаги хизматлар сифатини ошириш дастурнинг асосий қисмини ташкил этди. Дастурнинг ёшларга оид йўналиши уларнинг репродуктив саломатлик ва соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги билимларини кенгайтиришга қаратилди. Дастурнинг яна бир йўналиши гендер тенглигини таъминлаш, жумладан, мамлакатингизда CEDAW (БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси) тавсияларини жорий этиш ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва маҳалла маслаҳатчиларининг бу борадаги билимини оширишни қамраб олди. Амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар ҳақида бирор хулосага келиш учун тегишли тадқиқотлар ўтказиш зарур. Шу сабабли ЮНФПА репродуктив саломатлик, гендер тенглиги ва ёшлар эҳтиёжларига доир маълумотлар тўплашга ҳар томонлама кўмаклашди.

ЮНФПАнинг Мамлакатга доир тўртинчи дастури аввалги дастурлар ютуқларига асосланади. Бунда тиббий хизмат кўрсатиш ва гендер тенглиги соҳасида қонунчилик базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратилади.

***— Жамиятда хотин-қизлар мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлардаги иштирокини фаоллаштиришга қаратилган кенг кўламли тадбирлар ва саъй-ҳаракатлар ҳақида қандай фикрдасиз?***

— Сўнгги йилларда Ўзбекистонда кўплаб соҳалар, айниқса, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимида салмоқли даражада ўсишга эришилди. Айни пайтда гендер тенглиги ҳам тўла таъминланган. Қизлар бошланғич, ўрта ва ўрта махсус таълим олиш ҳуқуқига эга.

Гендер тенглигини мустаҳкамлаш мақсадида қонунчилик ва институционал база яратилган. Ўзбекистонда қонунчилик ва ижро ҳокимиятида аёллар иштирокини кенгайтиришнинг миллий механизмлари мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. 1991 йилда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг миллий механизмини ифода этган Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этилган. 2005 йилдан бошлаб ижро ҳокимиятида хотин-қизлар сафи кенгайиб бораётганини кузатмоқдамиз. Хотин-қизлар учун меҳнат бозорида тенг имконият ва қўшимча рағбатлар яратилмоқда. Хусусан, тадбиркор аёллар учун махсус микрокредитлар ажратилмоқда.

***— Ўзбекистонда хотин-қизлар турмуш шароитларини яхшилаш, улар учун янада қулай шароитлар яратишга йўналтирилган қатор дастурлар амалга оширилмоқда…***

— Ўзбекистонда хотин-қизлар турмушини янада яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил амалга оширилмоқда. Масалан, хотин-қизларга мўлжалланган махсус микрокредитлар ажратилаётгани, аёллар спортининг оммалашаётгани, замонавий турар жой мажмуалари барпо этиш кўламининг кенгаяётганини алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон келгусида ҳам ушбу йўналишда кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишига ишончимиз комил.

***— Суҳбатимиз 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида бўлиб ўтмоқда. Байрам муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига тилакларингиз?***

— Ўзбекистон аёлларининг Халқаро хотин-қизлар кунини шод-хуррамлик билан нишонлашига тилакдошман. Улар жуда меҳрибон ва меҳнатсевар. Ўзбекистондаги барча эркаклар ўз оналари, турмуш ўртоқлари, опа-сингиллари ва аёл ҳамкасбларига янада кўпроқ меҳр-муҳаббат кўрсатишини тилайман.

**ЎзА мухбири Ирода УМАРОВА суҳбатлашди.**

МУРУВВАТ — БОРИЧА БЕРМАКДИР

# Эъзоз, эътибор, эҳтиром

**Минг йиллар давомида жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги мамлакатда аёлларга бўлган муносабат, эҳтиром билан белгиланган. Зотан, аёл ўзининг гўзаллиги, меҳри ва қалбидарёлиги билан, аввало, оиласи, қолаверса, бутун жамият ҳаётида муҳим ўринга эга. Шу боис хотин-қизларни асраб-авайлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш эзгу қадриятларимиздан.**



Аёл — мукаррам зот. Аёлнинг борлиги дилларга хотиржамлик, кўнгилларга равшанлик бахш этади. Инсон кўнгли доимо талпинадиган маскан — бу унинг хонадони. Оилада бизни мунис она, суюкли ёр, меҳрибон қизалоқлар кутади. Аёл зоти борлиги учун ҳам хонадонлар файзлидир.

Юртимизда ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни катта тантана қилинади. Жорий йилда ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 16 февралдаги «Республикамизда 8 март — Хотин-қизлар кунини кенг нишонлаш тўғрисида»-ги фармойишига асосан байрамга катта тайёргарлик кўрилди.

Фармойишга биноан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан бошқарув қарори ишлаб чиқилиб, чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди ҳамда Фонднинг барча ҳудудий бўлимларга ижро учун юборилди.

Зотан, юртимизда мўътабар онахонлар, кўп болали аёлларга совғалар улашиш эзгу анъанага айланган. Хотин-қизлар байрами арафасида ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ўтказилди.

— Садоқат, меҳр ва муҳаббат тимсоли, ҳаётимизга гўзаллик, умримизга мазмун бахш этиб турган аёлларимиз бор экан, хонадонларимиздан файз ва тотувлик, кўнглимиздан хотиржамлик аримайди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Юнусобод тумани бўлинмаси раиси Ғанишер Чулиев. — Шу боис уларни ҳар қанча эъзозласак, эътироф этсак кам. Туманимиздан 50 нафарга яқин ибратли, кўп болали оилалар вакиллари байрам арафасида бўлинмамиз ҳамда маҳалла фаоллари томонидан совғалар билан тақдирланди. Улар орасида 3 нафар 100 ёшдан ошган онахон ҳам борлиги эътиборга молик.

Дарҳақиқат, Фонд ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддилари байрам муносабати билан нуроний онахон ва аёллар хонадонига бориб, уларга совға-саломлар улашаётир.

— Қўни-қўшничилик, меҳроқибат, саховат тушунчалари маҳаллаларда сайқал топади, — дейди Юнусобод тумани «Чинор» маҳалласидан Пелагея Кордас. — Маҳалла фаоллари хонадонимга ташриф буюрганидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Маҳаллам, маҳалладошларим бор экан, мен асло ёлғиз қолмайман ва ҳеч кимга қарам бўлмайман.

Тошкент вилоятида ҳам байрам арафасида муҳтарама аёлларимизни шарафлашга, уларни муборакбод этишга бағишланган турли тадбирлар, учрашувлар кўтаринки руҳда бўлиб ўтмоқда.

Ўрта Чирчиқ туманидаги Туябўғиз ҳамда Пахтаобод қишлоқ фуқаролар йиғинларида истиқомат қилаётган 8 нафар нуроний онахоннинг хонадонларига маҳалла фаоллари ташриф буюришиб, уларга Фонд томонидан ажратилган совғаларни тақдим этишди.

— Бутун умрим машаққатли меҳнатда ўтди, — дейди «Олтиўғил» маҳалласида яшовчи 90 ёшли онахон Зеби Собирова. — Кечаю кундуз далада ишладим, тиним билмадим. Бу хизматларим айнан истиқлол туфайли қадр топди. Ҳозир фарзандларимнинг роҳатини кўриб яшаяпман. Шукрки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз фаровон. Маҳалламизда уюштириладиган турли тадбирларда қатнашиб, ёшларга бугунги саодатли кунларнинг қадрига етишга ундайман. Яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, эл-юртга хизмат қиладиган инсонлар бўлишини тилайман.

Байрам арафасида Фонд томонидан тақдирланган фуқароларнинг барчаси маҳалладан миннатдор. Уларнинг: «Маҳалладагилар ёлғизлатиб қўйишмади», деган гап-сўзлари юртимизда ижтимоий ҳимоянинг ҳаётбахш самарасидан далолатдир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган одилона сиёсат, хотин-қизларга кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор туфайли аёлларнинг ўртача умр кўриши ривожланган давлатлар даражасидан ошиб кетди. Энг муҳими, юртимиз аёллари суюкли, эъзозли, ардоқли онахон сифатида истиқлол нашидасидан баҳраманд бўлмоқдалар.

**Мухбиримиз.**



ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

# Аёл бахтли бўлса, жамият мустаҳкамдир

**Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг маънавий камолотини, оилада, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирокини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Зотан, биз ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бормоқдамиз. Бундай жамиятни, шубҳасиз, баркамол авлод қуради.**

Ёшларни тарбиялаб вояга етказувчи зот — бу аёл, онадир. Шу боис юртимизда хотин-қизларга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилади. Таъкидлаш жоизки, дунёнинг ҳеч бир мамлакатида аёлларга эътибор бизнинг юртимиздаги каби давлат сиёсати даражасига кўтарилмаган.

Хотин-қизларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида фаол иштироки ҳақида гап кетганда, аввало, минглаб аёллар сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият ва вакиллик органларида, нодавлат ташкилотлар тизимида самарали иш олиб бораётганини эътироф этиш ўринлидир.

Хусусан, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига бўлиб ўтган сайловлар натижасига кўра, парламентнинг қуйи палатасига 16 фоиз хотин-қиз сайлангани, юқори палата аъзоларидан 17 фоизи турли соҳаларда фаол меҳнат қилиб келаётган аёллар ташкил этишининг ўзиёқ республикамиз демократик тамойилларга нақадар содиқ экани, хотин-қизларимизнинг мамлакат сиёсий ҳаётида ўз ўрни, ўз овози ва ўз қарашларига эга эканидан далолатдир.

Дунёдаги саноқли давлатлар қаторида Бош вазир муовини, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, барча вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарларидан бири аёл киши экани ҳам Тўмарису Бибихонимлар, Нодираи давронлар издошлари давлат бошқарувида шижоат билан меҳнат қилаётганининг исботидир.

Президентимиз ташаббуслари билан жорий этилган яна бир лавозим эгалари — маҳаллаларимизда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари эса энг нозик, энг мураккаб вазифани ўз масъулиятига олишган. Улар бошчилигида оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёш оилалар, айниқса, энди ҳаётга қадам қўяётган қизларга тўғри йўл кўрсатиш, аёллар орзу-умидлари билан ўртоқлашиб, ташвиш ва муаммоларини ечишда энг яқин кўмакчи ва маслаҳатгўй бўлиб келишаётгани кишига ғурур бағишлайди.

Мустақиллик йилларида юртимизда 14 нафар аёл «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган олий унвонга мушарраф бўлди. Бундай юксак эътирофларга жавобан опа-сингилларимиз ҳам фидокорона меҳнат қилаётирлар. Хусусан, турли тармоқ ва соҳаларда аёллар улуши ортди. Жумладан, ишлаб чиқариш соҳасида 42 фоиз, қишлоқ хўжалиги соҳасида 43 фоиз, таълим, маданият ва илм-фан соҳасида 73 фоиз, соғлиқни сақлаш тизимида самарали ишлаётганларнинг 75 фоизини аёллар ташкил этади.

Президентимиз томонидан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани мамлакатимизда иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар ҳосиласидир. Бундай эътироф қизларнинг ҳар соҳада баркамол, маърифатли бўлиши билан бирга уларни рағбатлантириб, жамиятимиз ривожида янги ютуқларга илҳомлантирувчи омил бўлмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимизда «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар ассоциацияси», «Иқтидорли қизлар», «Олима аёллар», «Фахрий аёллар» уюшмалари, «Ораста қизлар даврасиси» тўгараклари, хотин-қизларни касбга йўналтириш учун турли ўқув марказлари муваффақият билан фаолият олиб бораётгани хотин-қизлар иқтидор ва салоҳиятларини юзага чиқармоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ўтган йилларнинг «Оила йили», «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Баркамол авлод йили», «Мустаҳкам оила йили», «Соғлом бола йили» деб номланиши ҳамда ушбу йилларда қабул қилинган Давлат дастурларида илгари сурилган долзарб вазифалар ҳам хотин-қизлар манфаатларига йўналтирилган.

Оила, оналик ва болалик муҳофазасига бағишланган қатор ҳуқуқий асослар вужудга келди ҳамда такомиллашди. Миллий қонунчилигимиз ривожида ҳам аёллар, фарзандлар ва оила манфаатлари мустаҳкам ҳимояланганининг гувоҳи бўламиз. Республикамизда биринчилардан бўлиб «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги» қонун қабул қилиниши, «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилиши, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция ратификация қилиниб, Конституциямизнинг алоҳида боби «Оила» деб номланиши, 80 дан ортиқ фармон ва қарорлар, Давлат дастурлари мазмун-моҳиятида аёлни эъзозлаш, унинг саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, ёш оилаларга моддий ва маънавий кўмак бериш, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Энг муҳими, бу йўналишдаги ишлар муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси доирасида изчиллик билан кенг қамровда амалга оширилмоқдаки, мазкур концепция ижтимоий, иқтисодий, тиббий, юридик ва бошқа турли соҳаларни ўз ичига олгани аждодларимиз орзу қилган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий интилишимиз — соғлом авлодни тарбиялашга ҳисса бўлиб қўшилаётир.

Жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилингани ҳам ана шундай хайрли мақсадларнинг узвий давоми, шу билан бирга, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда мустаҳкам асосдир. Жумладан, йил давомида соғлом ва мустаҳкам оилани вужудга келтириш, эрта турмуш қуриш ҳолатларига чек қўйиш, қиз болаларни жисмоний ва маънавий соғлом, муайян касб-ҳунар эгаси сифатида жамиятимизнинг фаол аъзосига айлантириш, оилада соғлом маънавий муҳитни шакллантиришда барча имкониятларни ишга солишимиз даркор. Қолаверса, республикамизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш ҳам қонун ижодкорларини изланиш ва ташаббускорликка даъват этади.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади», деган бош ғоя ўз



ифодасини топганини таъкидлаш зарур. Давлат дастурида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масаласи илгари сурилди. Хусусан, ушбу йилда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг аёллар билан боғлиқ айрим нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Мурувват уйлари, бошқа давлат ва нодавлат таълим муассасаларида тарбияланаётган ногирон болаларга кундузи қараш марказларини ташкил этишга оид ҳуқуқий базани яратиш каби устувор вазифалар хотин-қизлар, оналар ва болалар манфаатларини кўзлайди.

Оналар чеҳрасидаги қувонч, мамнунлик ва шодумонлик оилада тинч, фаровон ҳамда барқарор ҳаёт мужассам эканидан дарак беради. Шундай экан, инсон манфаатлари олий қадрият ҳисобланган юртимизда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари доимо давлатимиз ҳимоясида равнақ топаверади.

**Гавҳар АЛИМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# Маҳаллада ҳоким ҳисоботи тингланди

**Республикамизнинг барча ҳудудлари бўйлаб қизғин руҳда ўтказилаётган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида туман (шаҳар) ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларининг чораклик ҳисоботларини эшитишни ташкил этиш ва ўтказишнинг тартиб-тамойиллари» мавзусидаги ўқув-семинарлари маҳалланинг ҳудудларда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилувчи, соғлом муҳитни қарор топтириб, ёшлар, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини оширувчи тузилма сифатидаги ўрнини яққол ифода этаётир.**



Тошкент ирригация ва мелиорация институти **Бухоро** филиали мажлислар залида бўлиб ўтган семинарда сўз олганлар ҳам бу ҳақда тўхталиб ўтишди. Ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларининг йиғин фаолиятига оид масалалар юзасидан чораклик ҳисоботларини эшитиш тартиб-тамойиллари, бу жараёндаги ташкилий ишлар ҳамда мазкур ҳужжатларни тегишли бошқарув идораларига юбориш, ижросини ўрганиш қоидалари бўйича тавсиялар берилди. Айниқса, соҳа экспертларининг фикр-мулоҳазалари ва тажрибали маҳалла фаолларининг амалий таклифлари асосида шу пайтгача эришилган ютуқлар ҳамда камчиликлар муҳокама этилгани келажакда бу йўналишдаги самарали фаолиятнинг гарови бўлади, дейиш мумкин.

Шундан сўнг Бухоро шаҳар ҳокими В.Ўринов томонидан Абдухолиқ Ғиждувоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғинига ҳисобот тақдим этиш бўйича намунали йиғилиш бўлиб ўтди.

— Шаҳар ҳокими ўз ҳисоботида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди, — дейди маҳалла фаоли Омон Ҳайитов. — Йиғилишда аҳоли нисбатан зич жойлашган, болалар мактаб ва бошқа муассасаларга қатнаш учун кесиб ўтадиган Орифон кўчасида тезликни чекловчи йўл белгиларини ўрнатиш юзасидан ўз таклифларимни билдирдим.

Шунингдек, вакиллар томонидан йўлларда тунги ёритиш тизими сифатини ошириш, кўп қаватли уйлар олдида болалар спорт майдончаларини қуриш ва бошқа масалаларда бир қатор таклиф ҳамда тавсиялар билдириб ўтилди.

Ўқув-семинарларни юқори савияда ўтказиш мақсадида **Навоий вилояти** ҳокимлиги ҳузурида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда адлия бошқармасининг малакали ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилди.

Семинарда мавзуга оид маълумотлар ва тавсиялар акс этган маърузалардан сўнг Навоий шаҳар ҳокими Н.Ахатовнинг «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғинига ҳисобот тақдим этиши бўйича намунали йиғилиш ўтказилди. Шаҳар ҳокими ўз ҳисоботида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид олиб борилаётган ишлар ҳақида аниқ маълумотлар келтиргани мулоқотнинг жонлилигини таъминлади.

Бундан ташқари, ҳоким ободонлаштириш ва томорқа маданиятига доир муаммолар ҳамда коммунал тўловлардан қарздорликни бартараф этиш хусусида тўхталиб, фуқароларда дахлдорлик туйғусини кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

— Бугунги ҳисобот йиғилиши биз учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлди, — дейди «Ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Мавлонов. — Йиғинимизда 2-сонли оилавий поликлиника ва шаҳар марказий касалхонасининг биноси янгидан қурилаётгани айтиб ўтилгани тадбир иштирокчилари учун хушхабар бўлди.

**Наманган шаҳри**даги «Ёшлар марказида» бўлиб ўтган ўқув-семинар ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Унга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар Кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилгани иштирокчиларнинг мазкур йўналишдаги билимларини янада кенгайтиришга хизмат қилди.

— Қизғин баҳс-мунозараларга бой ўтган семинарда мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари ва маҳалла фаолларининг амалий таклифлари асосида фуқаролар йиғинларида тизимли равишда ҳисобот йиғилишларини ўтказиб бориш борасида эришилган ютуқлар ҳамда камчиликлар муҳокама этилди, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилояти ҳудудий бўлинмаси гуруҳ раҳбари Шуҳратжон Шарифбоев. — Келгусида ушбу тартибга тўла риоя этиш орқали эришиладиган натижалар мисоллар орқали тушунтириб ўтилди.

Наманган шаҳар ҳокими томонидан «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғинига, яъни вакиллар йиғилишига ҳисобот тақдим этиш бўйича бўлиб ўтган намунали йиғилишда фуқаролар йиғини ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хусусан, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, атроф-муҳит муҳофазаси, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, коммунал ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини янада яхшилаш юзасидан аниқ тавсия ва таклифлар билдирилди.

Шунингдек, вакиллар томонидан ҳудуддаги айрим муаммо ва камчиликлар бўйича Наманган шаҳар ҳокимига ва бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар раҳбарларига бир қатор таклиф ва тавсиялар билдириб ўтилди.

Мазкур мавзу юзасидан **Тошкент вилояти** Чирчиқ шаҳрида ўтказилган ҳудудий ўқув-семинар иштирокчиларига ҳавола этилган маърузаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, яъни вакиллар йиғилишида туман (шаҳар) ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш фуқаролар йиғинларига берилган муҳим ваколат экани алоҳида қайд этилди.

— Ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳисоботлари эшитилиши фуқаролар йиғини қарори билан амалга оширилаётгани тизимда очиқ ва ошкораликни таъминламоқда, — дейди «Кимёгар» маҳалласи фаоли Норби Қосимова. — Бу эса, албатта, маҳаллий давлат органи раҳбарлари билан фуқароларнинг яқиндан мулоқотда бўлишига имкон яратади. Ўзаро ҳамкорлик натижасида эса ривожланишга тўсиқ бўлаётган масалалар ўз вақтида ҳал этилади.

Шаҳар ҳокими Фурқат Хайруллаевнинг Амир Темур номидаги маҳаллада намунавий ҳисобот йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унда фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволлар ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммолар хусусида ҳокимга мурожаат қилишди.

Мазкур ўқув-семинарлар Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

**Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.**

ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ

# Кураш — кучли, эпчил ва иродалилар машқи

**Президентимиз раҳнамолигида таълим-тарбия, илм-фан, маънавият каби соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ёшлар тафаккури ва дунёқарашини бойитиб, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Айниқса, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши юртимиз қизларининг толеи баланд эканидан далолатдир.**



Мен — оддий қишлоқ қизи Кексаларни эъзозлаш йилида ушбу нуфузли мукофотга лойиқ топилдим. Ўтган йили ушбу мукофот имтиёзи асосида талабалар сафидан жой олдим. Спортдаги интилишларим, миллий курашимизга бўлган қизиқишим давлатимиз раҳбари томонидан эътироф этилгани мени ғурурлантиради.

Мукофотни қўлга киритганимда Чироқчи туманидаги жонажон масканим — «Кўлжўвит» маҳалласи аҳли шодланиб, мени қутлашгани ҳеч эсимдан чиқмайди. Дарҳақиқат, ютуқларимда ён-атрофимдаги қадрдон инсонларнинг хизматлари беқиёс. Ота-онам, йиғинимиз раиси, нуронийлар, устозларимнинг: «Она қизим, сенинг ютуқларинг мамлакатимиз довруғини дунёга ёяди, бел олишганда шуни ёдингда тут», дейишгани эса ҳар гал гиламда рақибларим билан юзма-юз келганимда менга куч бағишлайди.

Аслини олганда, барча муваффақиятларим туғилиб ўсган маҳаллам билан чамбарчас боғлиқ. Икки нафар акамга эргашиб, каратэ машғулотларига борганимда спортчи бўлишдан кўра машқларда чиниқиш мени қаноатлантирарди. Аммо ота-онамнинг алоҳида эътибори, маҳалламиздаги спортни оммалаштириш тадбирларининг узвийлиги мени аниқ мақсадлар сари ундади.

Каратэ машғулотлари билан бир пайтда миллий кураш турига ҳам қизиқа бошлаганимда энди 12 ёшга тўлгандим. Уч ярим минг йиллик тарихга эга миллий курашимиз энг қадимий, шу билан бирга, жаҳон саҳнасида энг ёш спорт тури экани, мустақиллигимиздан кейингина жаҳон спорт саҳнасида намоён бўлгани мени руҳлантирар, «ҳалол», «чала», «ғирром» каби ўзбекча атамаларнинг дунё спортида тан олиниши менга куч бағишларди.

Мураббийим Абдурашид Мирзаев кураш инсонни кучли, эпчил, чидамли ва иродали қилиб тарбиялаши, гиламда бел олишиш азалдан ота-боболаримиз турмуш тарзининг узвий қисми бўлганини кўп таъкидларди. Шу боис иштиёқ билан миллий кураш сир-синоатларини қунт билан ўргана бошладим. 2010 йилда эса тинимсиз машқларим катта синовдан ўтди — Навоий шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида мутлақ ғолиб бўлдим. Бу ғалаба режаларимни қатъий мақсадга айлантирди.

2012 йилда эса Ҳиндистондаги Осиё чемпионати финалида афғонистонлик рақибамни енгиб, олтин медални қўлга киритгач, интилганга имкон кенг эканига, машаққатли машқлар ойдин марраларга етаклашига амин бўлдим. Айни пайтда институтнинг якка кураш факультетида таълим оляпман. Шу билан бирга машқларда тобланаётирман. Орзуларим бисёр, энг асосийси, юртимиз шаънини улуғлаш, Ватанимга муносиб фарзанд бўлиш.

Соғ танда — соғлом ақл, дейишади. Юртимизда спорт соҳасига қаратилган эътибор ҳам ана шу эзгу ғоянинг ифодасидир. Айниқса, аёллар спортини ривожлантириш, чекка қишлоқларда, маҳаллаларда униб-ўсаётган қизларни ушбу тадбирларга кенг жалб этиш чемпионлар сафининг ортишига, соғлом ва бақувват фарзандларнинг дунёга келишига замин яратади. Юрт келажагини эса навқирон авлод бунёд этади.

**Гўзал РАҲМОНОВА,**
**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.**

ЎҚУВ-СЕМИНАР

# Ҳисоб-китобда ҳамиша аниқлик зарур

**Аниқ ҳисоб-китоб асосида амалга оширилган иш яхши самара бериши ҳаётда кўп марта ўз тасдиғини топган. Айниқса, фуқаролар йиғинларига услубий-амалий кўмак беришдек хайрли ишларга камарбаста «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тизимида ушбу мезонлар асосида аниқ ҳисоб-китоб юритиш мутахассисдан юксак билим ва малака талаб этади.**



Пойтахтимизда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари бош бухгалтерлари учун «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тизимида молия ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботи юритилишини такомиллаштириш, бухгалтерия ҳисоб-китобини юритишда муаммолар ечими» мавзусида икки кунлик ўқув-семинар ташкил этилди.

Семинарда адлия, солиқ, статистика қўмиталари масъул ходимлари, ҳуқуқшунослар, Фонд мутасаддилари иштирок этди.

Фонд маблағларини тегишли қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида аниқ ва мақсадли сарфлаш бош ҳисобчилар зиммасидаги залворли вазифалардан. Шу боис семинардан кўзланган мақсад бош ҳисобчиларнинг ўз ишига масъулиятини, жавобгарлик ҳиссини ҳамда касбий малакасини янада оширишдан иборат.

Ўқувда бош ҳисобчиларга Фонд бўлим ва бўлинмаларининг Низоми мазмун-моҳияти ҳамда ундаги бухгалтерлар фаолияти билан боғлиқ бандлар атрофлича таништирилди.

— Бош ҳисобчиларнинг ҳуқуқий билимини ошириш Фонд тизимида бухгалтерия билан боғлиқ турли камчиликларга барҳам беради, — дейди Фонднинг республика бошқаруви бош бухгалтери Жамшид Жалилов. — «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддаси ҳамда Фонд бўлим ва бўлинмалари тўғрисидаги Низомга асосан, бўлим ва бўлинмаларнинг мол-мулки алоҳида балансда ва Фонд балансида ҳисобга олиниши белгиланган. Шу боис фойдаланувчиларни аниқ, тушунарли ва тезкор бухгалтерия маълумотлари билан таъминлаш учун тизимда бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва ҳисоботлар ҳамда ўтказмаларни бир хил кўринишга келтириш талаб этилади.

Бухгалтерлар Фонд мутасаддилари билан бирга, аҳоли мурожаатлари асосида кам таъминланган оилаларга моддий, маънавий кўмак беради. Шунингдек, турли маърифий тадбирлар ўтказишга, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бошқа мақсадларга маблағ ажратади. Бундай хайрли, қолаверса, масъулиятли ишни бажаришда ҳисобчилардан ҳуқуқий билим талаб этилади.

— Семинарда Фонднинг турли йўналишлардаги молиявий харажатлар тақсимотида белгиланган вазифаларнинг ижро этилишида бош ҳисобчиларнинг масъуллиги ва мажбуриятлари тушунтирилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими бошқаруви бош бухгалтери Шоқосим Абдураҳмонов. — Шунингдек, Фонд бўлим ва бўлинмалари томонидан ижтимоий соҳа объектларига беғараз ёрдам кўрсатиш, тизимда адлия ҳисоботларини расмийлаштириш, молия ҳамда бухгалтерия ҳисоботларини юртиш тартиби, маъмурий харажатлар таркиби, умумхалқ хайрия ҳашаридан тушадиган маблағлар тақсимоти бўйича зарур маълумотларга эга бўлдик.

Айтиш жоизки, семинар давомида вилоятлардан келган бош ҳисобчилар илғор тажрибаларини ўртоқлашишди, эркин мулоқот тарзида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзига хос жиҳатларини муҳокама қилишди.

Қизғин баҳс-мунозара, савол-жавоб тарзида ўтган семинарда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тузилмалари томонидан молиявий маблағлардан фойдаланишдаги айрим камчиликлар ҳам муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ**
**«Mahalla»**

БУ — ҚИЗИҚ!

# Аёллар қанча муддат сир сақлай олади?



Аёллар бежирим буюмлар ишқибози. Айниқса, чиройли сумкалар ёнидан шунчаки ўтиб кетишолмайди, албатта, харид қилишади. Ўртача ҳисобда бир аёл бутун умри давомида 111 та сумка тутиши ҳам бор гап.

* * *

Исроил аёлларни ҳарбий хизматга чақирувчи дунёдаги ягона давлатдир.

* * *

Психологлар тадқиқоти шуни кўрсатдики, аёллар сир сақлашда жуда нўноқ. Гўзаллик соҳибалари узоғи билан 47 соату 15 дақиқагина махфий маълумотни ичларида сақлай олишади.

* * *

Ҳар қандай аёл баланд пошнали оёқ кийимда янада кўркам кўринади. Аслида бундай оёқ кийимларини XVII аср бошларида европалик зодагон эркаклар кия бошлашган. Аёллар эса гўзаллик учун эмас, шижоатли кўриниш мақсадида баланд пошналарга мурожаат этишган.

**Шаҳина БОНУ**
**тайёрлади.**

ХУШХАБАР

# «Юксалиш»да уч эгизак дунёга келди

**Яқинда Гулистон тумани Сойибобод қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Юксалиш» маҳалласида яшовчи Анорқуловлар оиласида уч нафар эгизак дунёга келди.**



Ҳасан, Ҳусан ва Заҳро деб исм берилган бу ширинтойлар айни пайтда шифокорлар назоратида вояга етишмоқда. Соғлом она ва бола йилида бундай бахтга эришган оиланинг эса қувончи чексиз.

Биз ҳам уч нафар жажжи меҳмонни йўқлаб, хонадонга ташриф буюрдик. Уч бешик ўртасида ўтириб алла айтаётган оила кайвониси Матлуба аянинг боши осмонда. Она ва болаларни парваришлашда аянинг ўзи бошқош.

— Набираларимни умри билан берган бўлсин, — дейди дуога қўл очаркан онахон. — Шукрки, эгизакларимиз ҳам, келиним ҳам соғ-омон. Шифокорлар доим уларнинг ёнида. Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш учун барча шарт-шароитлар яратилгани, айниқса, уларга текин тиббий хизмат кўрсатилаётганини кўриб дилбандларимнинг мана шундай тинч, осойишта, меҳр-оқибатли юртда туғилганидан қалбим фахр-ифтихорга тўлади.

Ҳа, Ҳасан, Ҳусан ва Заҳрохон нафақат ота-онасининг, балки бутун маҳалладошларининг қувончига сабаб бўлди. Шифокор ва ҳамширалар чақалоқларнинг ҳолидан хабардор бўлиб туришибди.

**Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ**
**«Mahalla»**




**ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

«Mahalla» газетасининг чоп этилган сонларини белгиланган вақтларда Сизнинг манзилингизга етказиб бериш бўйича таҳририятнинг қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

**(0 371) 233-10-92;**
**Факс: (0 371) 233-10-73.**

**Обунани ташкил этиш ва тарқатиш бўлими.**

*Газетанинг навбатдаги сони 2016 йил 10 март, пайшанба куни чоп этилади.*

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

**Телефонлар:**
Қабулхона: (0 371) 233-39-89,
Котибият: (0 371) 233-44-25,
Факс: (0 371) 233-10-73.

ISSN 2010-7013

**Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади.**

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
**Формати — А-2, 2 босма табоқ.**

Навбатчи: **Т.Низомов**
Мусаҳҳиҳлар: **Н.Азимова, М.Назарова**
Нашр навбатчиси: **Н.Ҳайдаров**
Саҳифаловчи: **С.Тунғатов**

Таҳририят манзили:
**Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51-уй.**
Индекс: **100000**

**«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.**
Босмахона манзили:
**Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
Баҳоси келишилган нархда.

**Нашр кўрсаткичи: 148** | **27200 нусхада чоп этилди.** | **Буюртма S-5349** | **Топшириш вақти — 21.00** | **Топширилди — 21.00**